

Шохлар даргохидан узок, хоконлар базмгохидан йирок бўлишлик, балки буларнинг якинига йўламаслик яхширок. Булардан коч, чунки: «токатдан ташкари ишдан кочмок керак» дейдилар.

Кимки, кўнглига нима келса кила олса, ўз ихтиёри билан унга якин борган одам ўзини ўзи балога дучор этади.

Шохларнинг раъйи келса, айбни топиш — хунардир; хар бир маъкул иш — улар қошида гуноҳдан баттар; бундай зот хизматини ўз ихтиёри билан килмокчи бўлган одам—тентак эшак. Киши фойдаланиш учун шер асрайман дейдими? Яхши хусиятга эга бўлиш умидида захар ичадими? Подшоҳлар хизматини килиш учун жа-сорат кўрсатмок — ўз хаётининг ипини ўз кўли билан узмок ва ичиш учун захар тиламокдир. Уларга якин бўлишни истамок ўз ўлими учун бало тигини раво кўр-мокдир. Уларнинг кулишлари чакмокка ўхшайди.

Ёруг-лиги эътиборсиз бўлган чакмок куйдирганда гавдадан асар колдирмайди;

Китъа:

Чакмок ёруглиги осмондан ергача етади,

Икки сўз айтгунча давом этади.

Аmmo каттик ё юмшок ерга тушса,

Уни барбод килмагунча тинмайди.